

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 22 июль № 153 (3428) Пайшанба

«Ўзсаламан»нинг сифатли маҳсулотлари



Фаргона шаҳридаги «Ўзсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ўзининг сифатли ва харидоргир маҳсулотлари билан республикамиз ички бозорини тўлдириш билан бирга, уларни хорижга ҳам экспорт қилиб келмоқда.

Айни пайтда чиройли оёқ кийимлари Россия, Афғонистон давлатларига жўнатилаётти. Бежирим, пухта пойабзалларнинг харидорлари кўпайиб бораётти. Энг муҳими, жамоага барча хомашёни Қўқон шаҳридаги «Кўнчи» ва «Обидхон» хусусий корхоналари етказиб бермоқда. Шунингдек, корхонанинг Москва, Новосибирск ва Омск шаҳарларидаги савдо уйлари фаолият кўрсатмоқда.

Корхона аҳли жорий йилда 250 минг жуфтдан ортиқ пойабзал ишлаб чиқаришни режалаштирган. Белгиланган топшириқлар ошириб бажариб келинаётгани боис, буюртмачилар ўз вақтида маҳсулот билан таъминланмоқда.

СУРАТЛАРДА: тажрибали ишчи Муяссар Солиева; қўшма корхонанинг умумий кўриниши.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси делегацияси Венада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) томонидан ўтказилган «Сайлов стандартлари ва мажбуриятлари» мавзусидаги кенгашида иштирок этиб қайтди.

ЕХХТга ташириф

Мазкур халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этаётган 55 давлат вакиллари анжуманда номзодлар ва сайловчиларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари, сайлов жараёни оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, сайлов кампаниясида хотин-қизлар иштироки, сайлов жараёни ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан кузатилиши каби масалалар юзасидан фикр алмашиди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Хужаева кенгаш иштирокчиларини Ўзбекистонда 2004 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловларига тайёргарлик жараёни билан таништирди. Бунда сайлов тизими очиклигини таъминлаш, ноҳукумат ташкилотлар, хотин-қизлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг сиёсий жараёнлар, жумладан, парламент сайловларига тайёргарлик куриш ва уларни ўтказиш босқичидаги мавқени мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилётган тадбирларга алоҳида ургу берилди.

Кенгаш доирасида Ўзбекистон ҳайъатининг ЕХХТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори К.Штрохаль ҳамда Германия, Литва, Франция, Россия ва бошқа мамлакатлар вакиллари билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

К.Штрохаль Ўзбекистон томонининг таклифига биноан ЕХХТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси парламент сайловлари мониторингини ўтказиш учун мамлакатимизга халқаро кузатувчилар миссиясини йўллашни режалаштираётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА.

НАВОЙДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

НАВОЙИ (ЎЗА МУХБИРИ ЕРКУЛ УМАР).

Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мавзусидаги ҳудудий семинарнинг Навойи вилояти ҳокими Б.Ҳусеин бошқарди. Унда сиёсий партияларнинг қўйи ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, ҳақ таълими бўлимлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришот Мустафоев Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилда парламент сайлови кампаниясини уюштириш масалалари юзасидан маъруза қилди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари сиёсий партияларнинг сайловда кампаниясидаги ахлоқий мезъорлари, хотин-қизлар ва ёшларнинг сайловдаги иштироки, фуқароларнинг сайловда фаол қатнашишини таъминлаш, сайловни очик ва ошкора рўйда ўтказишга оид мавзуларда ҳам маърузалар тингладди.

Семинар-тренинг эркин мулоқот тарзида ўтди. Йилгиланлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Кун тартибиде — кадрлар масаласи

Бугун пойтахтимизда «Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизими тайёрлов йўналишларидаги кадрлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш» бўйича халқаро анжуман ўз ишینی бошлади. Икки кун давом этадиган ушбу мавзуларда ҳамдаўстлик мамлакатларидан ташқари хоржий давлатлар мутахассислари ҳам иштирок этишаётти. Анжуман давомида соҳадаги ечимини кутаётган муаммолар, галдаги вазифалар ва тизимдаги ҳамкорлик борасида бир неча масала кўриб чиқилди. Тажрибалар алмашилди.

Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими маркази, Ўрта-маҳсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш институти ва Европа таълим ҳамғармасининг Миллий кузатув маркази тадбир ташкилотчилари бўлиши.

М. ХОЛМАТОВА.

Жойлардан хабарлар

ТЕННИС МАЖМУИ

Зарафшон шаҳрида замонавий болалар теннис мажмуаси фойдаланишга топширилди. Унда юздан зиёд боланинг спорт билан шуғулланиши учун барча шaroит муҳайё этилган. Маъмуага Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ҳамғармаси вилоят бўлими кўмағида икки миллион сўмлик спорт анжумлари тортиқ этилди.

Маъмуа курилишида «Зарафшон-Нью-монт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ва бошқа хомий ташкилотларнинг хиссаси катта бўлди. Энди бу ерда теннис бўйича халқаро мусобақалар ўтказиш ҳам мумкин. ЎЗА.

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ ЛАЗИЗ РАҲМАТОВ). ЕАН Ўзбекистон маҳсулотларини автоматик идентификациялаш маркази мазкур соҳада кенг қўлланилувчи GEPiR тизимига аъзо бўлди.

Юртимизда автоматик идентификациялаш ва микрочипли кодлаш иқтисодийнинг барча жабдаларига жадал кириб бораётганини хисобга олсак, мазкур тизимга аъзолик биз учун яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди «ЕАН Uzbekistan» маркази бош директори вазифасини бажарувчи Навфал Собиров. ЎЗА мухбирига. — Энди ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар штрихли кодлаш ишларини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот — ЕАН-УССГА аъзо давлатларнинг олти ўз мингдан зиёд корхоналари қандай батафсил ахборот олиш ва уларга ўз маҳсулотлари тўғрисида маълумот бериш имкониятига эга бўлди. Бу эса мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириши, шубҳасиз. Ягона ахборот базасини ўзиде муҳассас этган ушбу тизим жаҳон таърибасида самарали татбиқ этилмоқда. Масалан, GEPiR орқали қалбаки маҳсулотларни тезда аниқлаш ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш мумкин.

«Умумармия ўйинлари — 2004»

МАРЛАР МАЙДОНДА БЕЛЛАШАДИ

Мамлакатимизда мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу йил улар қаторига «Умумармия ўйинлари» ҳам қўшилди. Ўзбекистон ҳарбийлари ҳаётига кириб келган янги спорт мусобақаси қай тартибда ўтказилади? Унинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Бу ҳақда Куролли Кучлар Бирлашган штаби бошлигининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари, подполковник Жалолиддин АТАБУЛЛАЕВ ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Умумармия ўйинлари» Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарбиясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, ҳарбий хизматчиларни мунтазам равишда спортга жалб қилиш, уларнинг жанговар маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини янада оқсатдириш мақсадида ўтказилмоқда. Мусобақалар Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раҳбарлиги-

да спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиада турлари бўйича ўтказилади. Ҳозирга қадар ҳарбий округ, қисм ва батальонларда биринчи ва иккинчи босқич голиблари аниқланди. Финал босқичида жойлардаги қисм ва бўлиналардан сараланган мингга яқин спортчи иштирок этади. Иштирокчилар тош қўтариш, миллий кураш, офицерлар учқураши, ҳарбий-спорт комплекси кўпкураши, ҳарбий учқураш, енгил атлетика кросси, қўл жанги ва футбол бўйича беллашади.

Финалда голиб чиққан спортчилар «Умумармия ўйинлари - 2004» нинг чемпиони бўлади. Уларга ҳарбий-спорт таснифи шартларига мувофиқ, «Спорт устаси», «Спорт усталигига

номзод» унвонлари, фахрий ёрлик ва пул мукофотлари топширилади. Биринчи, иккинчи, учинчи ўрини эгаллаган жамоалар кўча кубоғи кўлга киритади.

Марказий ҳарбий спорт клуби, Куролли Кучлар Бирлашган штаби спорт комплекси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида ўтказилажак мусобақага тайёргарлик ишлари якунланди.

«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий спорт мусобақаси 24 июль куни Марказий ҳарбий спорт клубида тантанали очилади.

ЎЗА МУХБИРИ ХОЛМУРОД САЛИМОВ СЎХБАТЛАШДИ.

«Садо» жаҳон бозорига

Болалар кийимлари ва спорт формалари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Шахрисабздаги «Садо» фирмаси маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Утган йили АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳридаги савдо уйига 110 минг долларлик маҳсулот етказиб берилган бўлса, бу йил корхона Жанубий Кореянинг «Тойачин» фирмаси билан 500 минг долларлик маҳсулот учун битим имзолаган.

«Садо» маҳсулотлари харидоргирлигининг сабаби сифатли ва арзонлигидадир.

«Туркистон-пресс».

Замонамиз қахрамонлари

Фидойилик асли нима ўзи?

Қаршидан то Қўқудма-лоқчага 130-140 километр йўлни босиб ўтишга тўри келади. Помуддан кейин қум барханлари бошланади. Унда-бунда саксувлар кўзга ташланади. Гиёҳлардан шувок, янтоқ кўринади. Тўрт томонда осмон билан ер тутшиб кетгандай гўё. Кетаверасиз, кетаверасиз... Манзара сира ўзгармайди. Қумликлар, ўрқач-ўрқач қум барханлари, қуриб қолган дарахт шоқларидек тиккайган саксувлар. Мабодо айни туш пайти йўлга чиқсангиз, саҳро бамисоло тандирдек қуриб, хансираб турганига гўёх бўласиз. Йўл юрасиз, йўл юрасангиз ҳам мўл юриб, Қўқудма-лоқча яқинлашасиз. Бу ерда манзара бутунлай ўзгаради. Йўлнинг ўнг тарафига ястаниб ётган мовий денгиз — Сечанкул назарингиз тортади. Чўлда қўл... хайратингиз ошади. Ундан ўтгач, осмонга ўрлаб, ёниб ётган газ машъалаларига кўзингиз тушади. Уларга яқинлашиб бораверсангиз худди мўъжаз бир шарҳнага келиб қолгандек сезасиз, ўзингизни. Йўл кўрсаткичлардаги ёзувлар диққатингизни тортади. Чапга бурилсангиз, Зеварда

кони. Тўғрига кетсангиз, Қўқудма-лоқча кони. Қум барханлари оша Қўқудма-лоқча етиб келган киши бу ердаги манзарани кўриб, рост, ажабланилади. Чунки 3-4 йиллик қарағайлар, арчалар ямғирли бўлиб яшнаб турибди. Турфа гуллар очилиб ётибди. Тўғри, ҳарорат ўша-ўша. Офтоб нақ ёндираман, дейди. Лекин бу ерда одамлар иссиқни сезишмагандек гўё. Ҳар ким ўзи иши билан банд. «Муборакфетгаз» конлари унитар (шўбба) корхонаси бошлиғи Нибёёв Умировни ҳам шу ерда учратдик. У кишининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Шермат Шамсиев корхона ишлари билан таништирдик. — Авал Зеварда конини кўрсак, — деди Шермат Шамсиев, — Чунки шунда бу ердаги ўзгаришларни чуқурроқ ҳис қилиш мумкин. Зеварда кони бошлиғи Илаш Қулмуродовнинг айтишича, мазкур кон 1978 йили ишга туширилган. Бир кеча-кундузда 20 миллион куб метр газ беради.

(Давоми 2-бетда).



Рустам ҚОСИМЖОНОВ: БУЮК АЖДОЛАРИМГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАЙМАН

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бурша ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жой йўқ», деган пурмаъно сўзлари яна бир бор тасдиғини топди. 24 ёшли ўзбек ўғлини Рустам Қосимжонов жаҳонни лол қолдириб, шахмат тожини кийди.

«Ақл гимнастикаси» дея ардоқланадиган аҳойиб ўйин бўйича жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлиш ўта мушкул. Бу борада жаҳон чемпионати ўтказила бошланган XIX асрнинг иккинчи ярмидан буён Рустам Қосимжоновга атиги 16 киши бундай юксак шарафга муяссар бўлгани ҳам фикримиз исботидир. Спортнинг бошқа бирор турарида жаҳон чемпионати нисбатан «жаҳон тожини кийди» деган иборанин ишлатилмаслиғи ҳам шундан.

Хамюртимиз халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов бугун шахмат оламининг шоҳи, «тож» унинг бошида. — Неча минг йиллар муқаддам лаёло бўлган шахмат бугун замонамизнинг оммавий спорт турларидан бирига айланган — дейди жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов. — Мазкур ўйин инсоннинг интеллектуал салоҳиятини оширади, хоти-

рани мустаҳкамлайди. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам шахматни марҳум билан ўйнаган, уни жуда яхши билган. Ақм Хуршид шахмат ўйнашни ўргатганида мен олти ёшда эдим. Шундан буён донна сураман. Рустам ўз иқтидорини анча эрта намойиш қилди. 10 ёшида Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди. 1994 йилда хамюртимиз халқаро майдонда зафарли одим ташлади. Усмирлар ўртасида Осиё чемпионатида голиб чиққанида у 15 ёшда эди. Ёш шахматчимизнинг бу ютуғи мамлакатимиз Президентини томонидан юксак баҳоланди. Рустамга Юртбошимиз замонавий компьютер ҳая қилди.

Юртбошимизнинг савгасини олганимда беҳад қувондим, — дея эслади Рустам. — Ўша пайтлари одамларимизда шахсий компьютер даяри йўқ эди. Хориждаги турнирларда иштирок этганимда моҳир шах-

матчилар мусобақаларга компьютерда тайёрланишни кўриб, шахсий компьютер бўлишини орзу қилгандим. Чунки компьютер шахматчи учун жуда қатта фойда беради. Илгари бирор машҳур шахматчининг ўйинларини китобларда ўқиш мумкин эди. Бунга қўл вақт кетарди. Компьютерда бўлса, қўллаб шахмат бешлашувларини, партияларни, ўйинларни топиш, кузатиш, ўрганиш мумкин.

— Рустам, сиз ўзини чоғингиздаёқ халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлгансиз. Бу максада 18 ёшгача эришган ер кўрсатидиг беш нафар шахматчида бирисиз. — Нимагаки эришган бўлсам, буларнинг барини истиклол тўғрйли қўлга киритдим. 1997 йили Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ ўзининг 68-конгрессида менга халқаро гроссмейстер унвонини берди. Ушанда меннинг исмин ва

ЎЗБЕКISTON номи дунёнинг 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчилари ўнлиги рўйхатидан жой олганида қалбим чекиз гурур ва ифтихорга тўлганди. Бунга ўша йилнинг 3 октябрда Президентимиз Ислам Каримовга йўллаган мактубимда ҳам эътироф этганман.

— Ўша мактубда муқаддас Ўзбекистоннинг Байроғини дунёнинг энг буюк шахарлари узра кўтариш ва Маъжиямининг дунё осмони бўйлаб янграши учун бор қувватингизни бағишлагиз. Мана, ваъданинг устидан чиқиб, жаҳон шахмат тожини кийдингиз. Жаҳон чемпионати таассуротлари ҳақида нималар дея оласиз?

— Ливия пойтахти Триполи шаҳрида юкори савияда ташкил этилган жаҳон чемпионатида дунёнинг 56 мамлакатидан 128 нафар шахматчи қатнашди. Мен бу турнирга жиддий тайёргарлик кўргандим. Умуман олганда, мен шахмат билан Германиянинг Золинген шаҳрида шуғулланаман. Қўллаб таниқли шахматчилар каби бундес лигада ўйнайман. Бу ерда кучли

рақиблар билан мунтазам беллашиб, таъриба тўплашимга имкон бор. Бу ўз навбатида жаҳон чемпионатида ҳам қўл келди.

Айниқса, мусобақада жаҳон вице-чемпиони, амалдаги Европа чемпиони Вассилий Иванчуқни ютганимдан кейин ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Қолаверса, айрим таниқли шахматчилар ҳам менга ишонч билдирди. Масалан, мен Александр Гришук билан ўйнаётганимда Руминия чемпиони — Ливюдитер Нисеяну олдимга келиб, барчани етима-кет ютаётган Велеслин Топаловни фақат сен тўхтата оласан, деганди. Охир-оқибат унинг гапи рост чиқди.

Кейин финалда англиялик Майкл Адамсга рўбарў келдим. Кўпчилик рақибимнинг имкониятини юкори баҳолаган бўлса-да, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд интернет орқали берган интервьюсида «Хамма Майкл Адамсини жаҳон чемпиони бўлади, деб ўйлайтми, бу нотўғри, ҳозир имкониятлар тенг. Агар ўйин тақдир тай-

(Давоми 2-бетда).

Ридойчилик асаи нима ўзи?

(Давоми. Боши 1-бетда).

20-25 фоиз нефть ишлаб чиқарилади. Утган йили 4904752 куб метр газ, 80131 тонна газ конденсати ишлаб чиқарилган.

— Албатта, биз ҳамма куч ва имкониятларни сафарбар этиб, махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳаракат қилаемиз, — дейди у. — Аммо захира қандайдиган савиб бўлса ҳам, бу эса технология жаҳонга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун биз қандай қилса, махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги устида бош қотираемиз.

— Ҳақиқатан ҳам, бу борада жиддий ҳаракат бўлмақда, — дейди Шермат Шамсиев. — Бутун 35 та рационализаторлик таклифи берилди. Шундан 9 таси амалиётга жорий қилинди. Натигада 31 миллион 979 минг сўм фойда кўрилди. 9 та ихтиро ҳам ишлаб чиқаришда қўлланилди. Шунинг эвазига 3 миллион 70 миллион сўм тежаб қолди. Ана шундай рационализаторлик таклифларидан бири газ совутич аппарати унмдорлигини ошириш бўйича эди. Биргина шу иш орқали бир кеча-кундузда қўшимча равишда 40 тонна газ конденсати олишга эришилмоқда. Чунки аппаратнинг совутиш қуввати ошди. Яхши совутилса, газ конденсати кўпроқ ажралди.

— Офтоб тиккага келган. Кўш нарқ ёндирман, дейди.

— Мана, буни қараган, — дейди Шермат Шамсиев оппоқ муз қоплаган йўғон кувурни кўрсатиб. — Совутиш қуввати оширилгани учун яхша бўлди.

Агар эйтибор қилган бўлсангиз, ҳар жой-ҳар жойда илгари неча ўнлаб машаълалар ёниб турарди. Эндиликда махсус қурилма қурилиб, улар қайта ишланмоқда. Натигада бир кеча-кундузда 2,5 миллион куб метр газ ажратиб олинаёпти.

— Ана шу қурилмани биз бошқарамиз, — дейди оператор Абдулла Орипов. — 30 йилдан бери шу касбада ишлаётимиз. Бухоронинг Хитён кишлоғиданман. Шогирдларим Насриддин Қилчев, Хамид Сайидовлар билан кечяю-кундуз ана шу қурилманинг ишлашини назорат қиламиз.

Шермат Шамсиев йўлайлақ гурун берди. Унинг айтишича, «Муборакнефтьга» унитар корхонасида 12 та нефть, 14 та газ конденсати, 2 та нефть ва газ конденсати кони ишлаб

турибди. Утган йили ана шу конлардан 30 миллион 314 миллион куб метр газ, 3 миллион 912 миң тонна нефть, 1 миллион 815 миң тонна газ конденсати қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилган. Қўқдумалоқ, Зеварда, Аланг, Помуқ, Қўлтоғ энг катта конлардан ҳисобланади.

— Бизнинг ишимизда 4 та жараён муҳим ҳисобланади, — тушунтиради Шермат Шамсиев. — Биринчиси, нефть қазиб чиқариш ва уни тайёрлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш. Иккинчиси, газ конденсати (у «оз эмас» кўл эмас, 24 миллион куб метр) ажратиб олиш ва Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасига жўнатиш. Учинчиси, қазиб олинган газни тайёрлаб, яъни тозалаб, яна ер остига қайта ҳайдаш (Бу босимни бир мейёрда ушлаб туриш, конденсат унмдорлигини ошириш учун керак).

— Шунинг ўзидан корхонага 3 миллион сўм соғ фойда келди, — дейди корхона бош метрологи Хасан Ашуров. — Фидойи одамлар деб бизнинг одамларни айта бўлади, — дейди Нибой Умиров. — Йўқса, уларни неча юз километр йўл бошига, ҳафталик уйларига бормай, ишлашга нима мажбур қилмоқда? Пул ишлаш истагимиз? Йўқ. Мамлакатнинг нефть мустақиллигини таъминлаш, Ватанимизнинг газ ва газ конденсатига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиш истаги уларни бу ерга бошлаб келган.

Корхона бошлиғи ҳақ гапни айтиди. Зевардада, Қўқдумалоқда, шимол-ий Уртабўлоқда, Денгизқўлда, қўйинки, қайси қонда қим билан гаплашаман, ана шунинг учун ҳис қўласиз. Энг қизғини, улар ўзларининг қилаётган ишларини мардлик, фидойилик деб ҳам ҳисоблашмайди. «Қимдир ишлаш керак-ку, ишлаяпти» дейишди қамтарлик билан.

Завардада, фидойилик ҳам аслида шундай бўлади. Фидойилик кўркакка ўриш, мақтанчи, гапозлик эмас. Ҳар қимнинг ўз вақфини виждонан бажаришда. Қилаётган иши ўз Ватанига нима беришини билган англаб, сидқидилдан меҳнат қилишда. Бунини «Муборакнефтьга» унитар (шўба) корхонаси ишчи-хизматчилари ишлари билан танишган ҳар бир киши юрак-юрагидан ҳис қилади. Ва, албатта, худди улардек фидойилик билан ишлашга жазм қилиши, шубҳасиз. Зеро, бу истиқболнинг одамларимиз онда ясаган туб ўзгартиришидир.

— Мутахассисларимиз дунёдаги энг кучли мутахассислар ҳисобланишди, — сўзбатга қўшилиди нефть ва газ қурилмалари бошлиғи Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Равшан Усмонов. — Яқинда 2 нафар мутахассисимизни Россияга таклиф қилишди. Бу уларнинг ишбилармонлиги, истеъдоди, қобилияти тан олинаётганини ифодасидир.

— Конденсатнинг сифатини яхшилаш бўйича кўп иш қилинмоқда, — дейди Шермат Шамсиев. — Йил охирига бориб, нефдан ажратиб чиқадиган газларни йиғиб, яна ер остига ҳайдаш йўлга қўйлади. Йилига 1 миллион куб метр газ, 36 миң тонна конденсатни ажратиб олуни қурилма қурилади. Айни пайтда суялтирилган газ тайёрлаш қурилмаси ишга туширилди. Қўқдумалоқ кони суяк газ истеъмолчиларга жўнатишмоқда.

— Шунинг ўзидан корхонага 3 миллион сўм соғ фойда келди, — дейди корхона бош метрологи Хасан Ашуров.

— Фидойи одамлар деб бизнинг одамларни айта бўлади, — дейди Нибой Умиров. — Йўқса, уларни неча юз километр йўл бошига, ҳафталик уйларига бормай, ишлашга нима мажбур қилмоқда? Пул ишлаш истагимиз? Йўқ. Мамлакатнинг нефть мустақиллигини таъминлаш, Ватанимизнинг газ ва газ конденсатига бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшиш истаги уларни бу ерга бошлаб келган.

Корхона бошлиғи ҳақ гапни айтиди. Зевардада, Қўқдумалоқда, шимол-ий Уртабўлоқда, Денгизқўлда, қўйинки, қайси қонда қим билан гаплашаман, ана шунинг учун ҳис қўласиз. Энг қизғини, улар ўзларининг қилаётган ишларини мардлик, фидойилик деб ҳам ҳисоблашмайди. «Қимдир ишлаш керак-ку, ишлаяпти» дейишди қамтарлик билан.

Завардада, фидойилик ҳам аслида шундай бўлади. Фидойилик кўркакка ўриш, мақтанчи, гапозлик эмас. Ҳар қимнинг ўз вақфини виждонан бажаришда. Қилаётган иши ўз Ватанига нима беришини билган англаб, сидқидилдан меҳнат қилишда. Бунини «Муборакнефтьга» унитар (шўба) корхонаси ишчи-хизматчилари ишлари билан танишган ҳар бир киши юрак-юрагидан ҳис қилади. Ва, албатта, худди улардек фидойилик билан ишлашга жазм қилиши, шубҳасиз. Зеро, бу истиқболнинг одамларимиз онда ясаган туб ўзгартиришидир.

— Мутахассисларимиз дунёдаги энг кучли мутахассислар ҳисобланишди, — сўзбатга қўшилиди нефть ва газ қурилмалари бошлиғи Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

брейкка қолса, Рустам ютади» деб, мени жуда хурсанд қилганди.

— В.Анаид тежор шахмат — рапид менга қулайроқ эканини билди. Мен рапидда ўзини анча эркин ҳис қиламан. Чунки рапидда тез қарор қабул қилиш, хотиржамликни йўқотмасдан, асабийлашмасдан дона суриш керак. Қўлинг мен бунинг удрасидан чиқаман. Чемпионат олдин Люксембургда тежор шахмат бўйича ташкил этилган турнир сўнгги тайёргарлик босқичи вазафини ўтаганиди. Бу Аддам билан тай-брейкда ўз фойдасини берди. Муҳим учрашув олдинда инглиз гросмейстерининг рапид бўйича тахрибиси камроқ эканини билгани қолди. Мана шу омил тай-брейк давомида менга қўл келди.

Буюк британиялик Майкл Аддам билан финал ўйини Ўзбекистон телевидениеси орқали намоиш қилинибди. Бутун Ўзбекистон менга омад тилаб турган экан. Мен ҳам мусобақа давомида 26 миллионлик халқ, унинг йўлбошчиси менинг ютугимдан умидвор эканини юракдан ҳис қилиб турдим. Бу менга илҳом, иштиқ, куч бағишлади. Ниҳоят, 13 июль куни жаҳон чемпионати гойиб бўлганимдан кейин халқимиз кўчаларга, хибоналарга чиқи байрам уюштирибди, ўйин-кулги қилибди. Мен

Рустам ҚОСИМЖОНОВ:

БҮЮК АЖДОЛАРИМГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАЙМАН

ҳамюртларимга, озгина бўлса-да, байрамона кайфият улашганимдан хурсандман.

Ўйларимни томоша қилган ота-оналар ўз фарзандларини нафақат турлари билан шуғулланишга ҳавас қилгудек шарт-шароит яратилган. Мен юртимизнинг истаган рапид бўйича тахрибиси камроқ эканини билгани қолди. Мана шу омил тай-брейк давомида менга қўл келди.

— Чемпионат якунланиши билан биринчи табрикнома Президентимиз Ислам Каримовдан келганини кўриб жуда суюдим. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимиз камтарона хизматларини юксак тақдирларимга учун беҳад миннатдорман. Албатта, шахматчи бўлишимда буюк алломулар етишиб чиққан шундай муқаддас заминда туғилиб-ўсганим, томиримда шу шавақтани миллат қони қилиб тургани, феъл-атвориим халқимизга хос интеллектуал салоҳият, мустақкам ирода, шижоат, жасорат каби миллий хусусиятлар негизда шаклланишимнинг аҳамияти бекис, деб ўйлайман.

— Узебекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Сизни Ватанимиз шукратини бутун дунёга ёйганингиз учун Амир Темур ордени билан мукофотларди. Бу орден илгари Самарқанд, Шахрисабз шаҳарлари ва Андижон вилоятига берилган аммо бирор бир шахс мазкур мукофот билан тақдирланмаганди.

— Чемпионат якунланиши билан биринчи табрикнома Президентимиз Ислам Каримовдан келганини кўриб жуда суюдим. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимиз камтарона хизматларини юксак тақдирларимга учун беҳад миннатдорман. Албатта, шахматчи бўлишимда буюк алломулар етишиб чиққан шундай муқаддас заминда туғилиб-ўсганим, томиримда шу шавақтани миллат қони қилиб тургани, феъл-атвориим халқимизга хос интеллектуал салоҳият, мустақкам ирода, шижоат, жасорат каби миллий хусусиятлар негизда шаклланишимнинг аҳамияти бекис, деб ўйлайман.

— Узебекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Сизни Ватанимиз шукратини бутун дунёга ёйганингиз учун Амир Темур ордени билан мукофотларди. Бу орден илгари Самарқанд, Шахрисабз шаҳарлари ва Андижон вилоятига берилган аммо бирор бир шахс мазкур мукофот билан тақдирланмаганди.

— Сизнинг шахматчи бўлиб етишингизда муҳим ўрин тутган оилангиз ҳақида гаплашсак.

— Оилам шахмат билан шуғулланишим учун доимо шарт-шароит яратиб берган. Ҳатто болалигимда машгулотларга ўзим боролмаган пайтларда акам мени кузатиб кўярди. Кейин бошқа шахарларга мусобақага йўл олсам, оийм вақтини қизганмасдан, ишдан жавоб олиб, мен билан бирга борардилар. Яширмайман, баъзан омад келмасдан ёки қўтилмаган мағлубиятлар аламиндан тушкунликка ҳам берилиб кетган пайтларим бўлган. Шунда оилам, мураббийлар ва ёру-дўстларнинг ёрдами теккан.

— Хозир ўзининг оилам — рафиқам Феруза ҳам мендан ҳеч қандай кўмагини аямайди. Чунки у ҳам спортчи. Бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпиониати иштирокчиси. Мени яхши тушунади. Ўғлимиз бор. Унга Феруза Озар деб исм қўйганмиз. Кўпчилки бу исми қарердан толгансизлар, деб сўрайди. Феруза

Фирдавсийнинг «Рустам ва Сухроб» деган достонидан уратган экан бу исми.

— Рустам, Сиз болалигингизда жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилган экансиз. Мана, ниятга етдингиз.

— Ҳа, шундай. Лекин одамда орзу-ният, мақсад тугамас экан.

Навбатдаги мақсадим Гарри Каспаровга қарши муносиб ўйин кўрсатиш. Хозирча бу ҳақида ўйлаётганим йўқ. Лекин яқинда Каспаров билан кўп ўйнаган шахматчи дўстларим ёрдамида унга қарши ўйин услубини топишга ҳаракат қиламан. Илгари ҳам у билан икки марта ўйнаганман. Жуда ёш бўлганим учун тажриба етишмаган.

Гарри Каспаров билан ўйинимга мезбонлик қилиши мумкин бўлган бир неча шахарлар орасида Тошкент шаҳри ҳам бор. Бошқа шахар танласан ҳам майли, чунки қаерда ўйнасан ҳам доимо халқимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб тураман.

ЎА мухбири Зоҳир ТОШХҲАВ сўхбатлашди.

Ёшлар тарбияси

Изланганга иш мингта

Салкам йигирма йилдан буён қурилишда ишлаб суяги қотган Даврон Гойипов мана бундай ҳикоя қилади.

— Урозали Мусоев деган бу акаимизнинг ишига каттаю кичик алақачон тин берган. Бундан беш-олти йил муқаддам бир қизик тортишув бўлиб қолди. Ана шу баҳсда акам ютиб чиқди. У кўзини боғлаб катта бир бинонинг тўрт қатор гиштини урди. Баҳслашган томонининг йигитлари қўлларига ип олиб, деворнинг текислигини ўлчаб чиқдилар. Улар уялиб қолди. Улар қўлларини билан ич-ичларидан зил кетдилар. Урилган гишт эмас, мисоли шариллатиб ўқиса бўладиган чиройли бир китоб эди. Ана шу акаимиз билан бирга ишлашганим. Яна шундай бир қурилишда ишлашганимиз бундай қурилиш вилотиимизда ҳам бармоқ билан санарили. Қишлоқ жойда икки миң томошабинга мўлжалланган ёшлар спорт мажмуасини қуриб битказгангиз...

Олти гектарлик қурилиш майдонини айланамиз. Бу майдон бир йил муқаддам шўраю қамишлар ўсиб ётган ташландиқ бир жой эди. Эндиликда ана шу майдон таниб бўлмайди. Дарё бўйидан олиб келинган чимлар қулф уриб, янашб турибди. Футбол, баскетбол, волейбол, қўл түпи, кураш, бокс майдончаларининг қурилиши адоғига етказилаяпти. Адоғига етказилаяпти, деганимизнинг босиси шуки, эндиликда бу жойларда пардозлаш ишлари бошлаб юборилган.

Спорт мусобақаларининг минглаб томошабинлар чиройли ўриндиқларда ўтириб томоша қилишади. Мажмуада ёшларнинг дам олиши, ювиниши, қиш мавсумида машғулот ўтказишлари учун етарли шароит яратилган. Бинода ҳақамлар учун ҳам махсус хона ажратилган.

Сўхбатимизга «Ниҳол» хусусий қурилиш фирмасининг раҳбари Урозали Мусоев келиб қўшиди.

— Мажмуанинг лойиҳа қиймати 160 миллион сўм. Хозиргача унинг асосий қисмини ўлаштириб бўлдик. «Боёвут» ширкат хўжалиги буюртмачи сифатида маблағ ва қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бераёпти. Мажмуада нафақат ёшлар учун балки богча ёшидаги ва бошлангич синф ўқувчиларига мўлжалланган Болалар хибонасини яратиш учун ҳам буюртма олганмиз. Мустақиллик байрамидан сўнг кўнига юзлаб болалар нафақат спорт билан шуғулланади, балки бу ерда мириқиб дам ҳам оладилар. Хўжалиқнинг «Эшмамат ота», «Безод» каби фермер хўжалиқлари маблағ ва транспорт билан кўмак бериб келишаёпти.

160 миллион сўм! Бу рақамни айтиш осон. Уни ёзиш осон. У оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетади. Ана шу маблағни топиш учун хўжалик деҳқонлари йил-ўн икки ой меҳнат қилишлари, ана шу маблағнинг ортиришлари зарур. Гузарлар қурилади. Йуллар соланади. Қанчадан-қанча савдо, тиббиёт ва маиший нуқталар ишга туширилади. Буларнинг отаси ҳам, онаси ҳам пул ҳисобланади.

Тўрт-бешта рақам. «Боёвут» хўжалигида 2004 йилда 1758 гектар майдонга галла экилди. Хосилдорлик 42 центнерга етди. 3719 тонна ўрнига давлат буюрт-

маси 4550 тонна қилиб баҳарилди. Режа 116,2 фоиз қилиб бажарилди. Хўжаликда ишлаётган ва яшаётганларга 1200 тонна галла тарқатилди. Хўжалик далада ишлаётганларга сентябрь ойигача берадиган маошлар бутунлай қўтилди. Пахтачиликка ҳам ҳар йили юз миллионлаб соф даромад олинаёпти. Анвар Аликбеков, Хайдарқул Каримқулов, Хайрулла Раҳмонбердиев сингари ўнлаб оилавий пудратчилар галла майдонининг ҳар гектаридан 45-50 центнердан ошириб ҳосил кўтаришди.

Кизик бир далил: туманда биринчи бўлиб гўзалар шу хўжаликда ишонага қиради. Шу хўжаликда гўл кўрсатади. Рустам Холикбердиев, Равадан Омонжон, Шўхрат Жуманов сингари пахтачилик соҳасининг мириқкорлари бу йил 45-50 центнерлик маррани қўлаб меҳнат қилишаёпти.

— Хўжалигимизда ўн миң нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади. Ана шу ёшларнинг аксарияти қисми далада меҳнат қилади. Нега улардан маблағ аямизни керак? Нопок йўлларига, гивёвандлик балосига йўлқўнган ёшлар осмондан тушаётгани йўқ. Улар бекорчилик аталган эътиборсизлик аталган ҳолатларнинг махсулидир. Хўжалигимиздаги ҳар бир ёш диққат-эътиборимизда турибди. Улар қандай яшаёпти, қандай мағлулот билан банд эканлиги доимий тарзда таҳлил этилиб, муҳокама қилинади. Баъзилар хўжалигимизда кўп маблағ қурилишга сарфланганини айтишади. Мен бундай фикрдан ийроқман. Ёшлар учун қилаётган ишларимиз энди бошланаяпти. Хозирги уринишларимиз ана шу ниятларимизнинг кичик бир дубоқасидир.

Гобуржон Алиев ҳам, Кежакач деганда биз ёшларни тушунамиз. Ана шу кежакач ўлкан ва мухташ бинога ўхшайди. Айтирган илиқ-иссиқ гап, қоракдан чиққан эътибор, яратилган шарт-шароитлар ана шу бинонинг мўъжаз муштларидир. Бу гишлар мажмуат бинога кўк бағишлайди. Бу бино асрларни қаратади. Ана шу бино асрлар оша бўй кўрсатиб тураёради.

Алиқул ХОНИҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Акватех»нинг мўъжизавий махсулотлари

Пойтахтимиздаги «Акватех» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида уй-жойлар, санаят объектлари ва бассейнлар учун хлор моддасини иштатмасдан сувни тозалашдаги филтэрлар тайёрланади. Бу жаммоа кўп йиллардан бери мамлакатимиз бозорига шундай ускуналарни етказиб бераёпти. Махсулотлар сифати ошиб ва тури кўпайиб бораётганини сабабли, уларга талаб йилдан-йилга ошиб бораёпти. Биргина ўтган йили 76 миллион сўмлик турли хил филтэр ишлаб чиқарилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

— Мақсадимиз республикаимиз аҳолисини экологик жиҳатдан соф ичимлик сувига бўлган талабини қондиришга ўз улмушимизни қўшишдир, — дейди корхона раҳбари Албина Сафарова. — Мамлакатимиз эҳтиёжидан ортқица махсулотларни эса хорижга экспорт қилаемиз. Утган даврда Россия, Қозғистон, Эрон ва Афғонистон давлатларига бир неча юз миң сўмлик филтэрлар жўнатишди. Кел-



гусида Оролбўйида истиқомат қилаётган аҳолини ҳам чўчуқ сув билан таъминлаш учун махсус филтэрлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Хосил ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: йиғувчи-чилангар Ҳабибулла Мусурмонов, оператор Шавкат Калимуллин янги лойиҳа устида ишламоқда. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗИНГ УЧУН ҲАМ ЯШАГИН, АЁЛ...

Аёл — олам қўши... Оиланинг ори, гурури ҳамдир. Ана шундай аёл сабрига-сабр, меҳнатига-меҳнат, ташвишига-ташвиш, бардошига-бардош қўшиб яратилган, бунинг инкор қилсак, адолатдан бўлмайди. Мумтоз асарларда париваш, нозик тан, деб мадҳ этилган чилвир сочили аёллар аслида эркаклар билан елкама-елка туриб, ҳаёт арвасини биргалла қилиб туртишган. Бугунги кунга келиб, Тумарис келбатли аёлларимиз бор, деб кўркак керамиз уларга нисбатан бир оз эътиборсиз бўлиб қолганлигини ўзинимизга англаб етгандек бўламиз. Аёлнинг бир кунлик иши-ю, ташвишини ҳеч қўз олдимизга келтириб кўрмаймиз? Айниқса, қишлоқ аёллари — қўллари қадоқ, юзлари офтобда тоблинаб, шунда ҳам шукрона билан яшаётган аёлларнинг матонатига қойил қолиш керак. Негаки, оиланинг таъини, фарзандларининг сунъичи бўлган аёл бардошининг, садокатининг қисми, ўхшашини йўқ.

Мен бир аёлни биламан. Ёши қирқларча борган бўлса-да, анча кекса кўринади. Бутун умри меҳнатда ўтган бу аёлни қишлоқдошлари Зарифа момо, деб аташарди. Унинг ёши қичқилгани ҳеч қим билмасди. Бир ўзи олти фарзандни тарбиялаб, устига устак, уларнинг олий ўқув юртиларидан таълим олишларига имкон ҳам яратганди. Елиб-югурар, ҳеч тиним билмасди. Бировлар унга ачиниб, яна бировлар ҳавас билан қарашарди. Негаки, у оиласи учун ўзини ҳеч аямасди. Фарзандларидан бирининг оламдан ўтиши аёлга қаттиқ зарба бўлиб, кўрпа-тушаққа михланиб қолди. Қишлоқдошларининг таъбири билан айтганда, аёлни дард, аман йиқитди. Автохалокатга учраган ўғлининг жасади олдига жонсиз турган аёлга қишлоқдошлари сабр-бардош тилашди. Уялиниб қолсан. Фарзанд учун аёл жонини беришга ҳам тайёр-а-я! Фарзандининг ўлимига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай ўзоқларга тикилган аёл нигоҳларида ашаб ўтиган умрнинг аччиқ изтиробилари намоён бўладики, бунинг сўз билан ифодалаш анча мушкул.

Кўёш нурали уяларнинг пасткам деворларига тушмасдан туриб, қишлоқда иш қайнайди. Кимдир далага, яна кимдир турмуш ташвишлари томон ошқанда, қишлоқ четдаги кичик ўйчада яшаётган аёл уч нафар қизига ую мушларини тайинлар экан, зинҳор-базирҳор дарё томонга бормасликни уқтарди. Уларнинг жавобидан кўнгли тўлган ёш она қўлига ўроғини олиб, беда ўри-

мига жўнайди. Эрталаб бўлишига қарамай, қўёш қиздиргандан қиздиради. Офтобда юзлари қорайган аёлнинг фақатгина икки кўзини, оппоқ тишларига қўёш ўз таъсирини кўрсата олган. Кеч қирди. Аёл ўй томон ошқанда. Дарвозадан кира солиб, ўчоққа қозон осди. Кир ювишга тутинди, нон ёпиш учун ҳамир қорди. Бирпасгина ўтиришни ҳавлига ҳам келиптирди. Қизларнинг бир оғиз ширин сўзи, айниқса, қичқинтойнинг эрка қилиқлари унинг бутун чарчоғини чиқариб юборди. Эшиқдан кириб келган эр эса аёлга шаҳар қуриб бергандек, зугумини бошлади. Яна эски жанжал. Аёлнинг бардоши тугади, кўз олди қоронғулашиб, нима иш қилаётганини билмай қолди.

— Кўзини очганида касалхонада ётарди. Қўлларини кўтариб қаради. Қўйиб, гўшти қичиб қолди. Оғриқдан ингради. Бўзғига аччиқ нарса — хўрлик тикилгандай бўлди. Пешонаси шўрлигидан азобланди...

Бу воқеанинг содир бўлганига кўп вақт бўлмади. Уттиз ёшли Гўлбаҳорнинг аччиқ қисмати ҳамкишлоқларини ларзага келтирганди ўшанда. Улар ўрашон эрга анча панд-насихат қилишди. Эр отдан тушса-да, эгардан тушмасди. Орандан хотин эвақ ўтиб, менга қўйиб берди, ҳеч нарса эмас, деб аёлни уч қизи билан уйдан ҳайдаб чиқарди. Шўрлик аёл ота уйига фарзандлари билан қандай борсин? У қишлоқдан бош олиб чиқиб кетди. Хали-хануз унинг қаердалиги номаълум. Кўпчилкининг кўз олдига унинг масъум нигоҳини муҳрланиб қолди. Тонг сахардан

кечга қадар, куннинг иссиғидан шомга қадар қуймаланиб, тиним билмай меҳнат қиладиган аёл энди ҳеч қимга рўбарў келмайди. Ҳеч қим билан дардлашмайди, сирлашмайди ҳам. Гўё у ҳеч қачон дунёга келмагандай...

Кўпгина балогатга етган қизларнинг турмушга қичқиши-ю, фарзандли бўлишларини аёллик бахти, дея талқин қиламиз. Бу

Турмуш чорраҳаларида

Тўғри, лекин ҳаётнинг аччиқ-чўчқини тотишга улгурмаган қизлар ҳаёт синовларига дош бера олармикан? Ахир, оиланинг тинчилиги, фаровонлиги аёлга боғлиқ. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Чунки қишлоқ жойларда турмушга чиққан қиз оиланинг бутун юкунини ўз елкасига олади. Мақтабни битириб-битирмай, бир оилага келин бўлиб тушган қизларнинг барчаси ҳам худди шу оилада ўз ўрнини топа олишига ишонч камроқдек, назаримизда...

Орзуғул билан тенгдос эдик. У 9-син



НАМАНҶАН ВИЛОЯТИ МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Ўзбекистонда 2004 йилги «Меҳр ва мурувват йили» дея эълон қилиниши мамлакат раҳбарияти истиқлол йилларида маҳкам тутиб келган инсонпарвар сийбати билан бир қаторда бўлди. Унинг нечоғди микёсга эгаллиги республика Президентини кўрсатмалари, Базирилар Маҳкамаси қарори асосида қабул қилинган махсус Давлат дастурида белгиланган вазифаларда яққол кўрилади.

Ҳеч ким ёлғиз эмас, ҳеч ким эътиборсиз қолмайди

Меҳр-мурувват фақат эҳсонгина эмас, унинг ўзига яраша иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий аҳамияти бисёр. Бу улғу тушунчани кенг маънода англаш, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли аънода ва урф-одатларимизни кенг тарғиб этиш вазифалари вилоят дастурига ўзак этиб олинганлиги шундан. Мазкур дастур бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича тузилган вилоят комиссияси ишларнинг боришини ойма-ой таҳлил этиб борапти. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар микдори ўтган йилдагидан 1,21 баравар кўпайтирилди. Бир-

гина умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳамда камдаромадли оилалар фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш учун ажратилган маблағ 291,5 миллион сўмни ташкил этади. Бугун 4090 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронлар ижтимоий ҳимояланган. Муҳтож ногиронлардан 88 нафари махсус аравача билан таъминланди.

Албатта, ҳар бир дастур ижроси билан кадрли. У эзгу ният билан қабул қилинган экан, ҳисоб-китоби пухта ўйланмоғи, кўзда тутилган вазифалар эса белгиланган мuddатда бажарилоғи лозим. Шу жиҳатдан олганда йилнинг ярми ўтиб бораётганига қарамастан, кўзда тутилган тадбирларнинг айримлари ижроси орқаси суриллаётганлиги, баъзилари номигагина бажарилаётганлиги

қилини ташвишга солади. Масалан, дастурда авф тубайли озодликчилик фуқаролари жамият ҳаётига мослаштириш учун яшаш ва иш жойларида уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Унга қўра, қорхоналардаги бўш иш ўринлари квотасининг бир фоизи ана шу тоифа учун ажратиб қўйилиши лозим. Амалда ҳеч бир меҳнат жамоаси бу тартибга риоя қилаётгани йўқ. Тузман ҳокимликлари қошидаги ижтимоий кўнма ҳосил қилиш марказлари эса собиқ маҳбусларга моддий ёрдам кўрсатишнинг ўзи билан қийолашапти.

Яна бир гап, Қонунда белгиланган айрим тоифадаги фуқароларнинг шаҳар транспортда бепул юриши хусусида Дастурда 33227 фуқарони ана шундай имтиёзни берувчи

ҳужжат билан таъминлаш кўзда тутилган. Беш ой ичида махсус гувоҳнома билан таъминланганлар сони атиги 3584 кишини ташкил этади. Боз устига вилоят марказида фаолият кўрсатаётган йўловчи транспорти соҳиблари орасида, уларнинг ақсарияти хусусий машина эгалари, бундай имтиёзни тан олади-ганлар бармоқ билан санарли.

«Меҳр ва мурувват йили» Дастури ижросидан миллионлар манфаатдор. У халқимизнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини қучайтиради, мустақиллик ҳолатининг асоси бўлган ижтимоий муҳофаза таъминоти мустаҳкам қарор топишни таъминлайди. Шундай экан, ушбу доирада рўёбга чиқарилган ва чиқарилажак хайри ишлар оdat ту-си кирмоғи, халқимизнинг маънавий бойлиғига айланмоғи лозим.



Ҳиммати баландлар

Жорий йилнинг ўзида 1300 нафарга яқин ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларга турли даражадаги ҳимойли ёрдамлари кўрсатилди, 46 нафар пенсионер ва ногиронларга мамлакатимизнинг турли гушарларидаги сўхатгоҳларга йўланмалар берилди. Шунингдек, ногиронлар ва қариялар ҳасса, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари билан, бир нафар ногирон эса протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланди. Яқка-ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни парвариш-лаш 24 нафардан зиёд ижтимоий-таъминот ходимлари, ҳамширалар зиммасида. Йил бошида 76 нафар ёлғиз қарияларга, мулклик шаклидан қатъий назар, жамоат транспортда бепул юриш учун гу-

воҳномалар берилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди. Эътиборли томони шундаки, бу ташаббусни тадбиркорларнинг ўзлари кўтаришди. Шунингдек, Чўст шаҳридаги машҳур «Камарсада» истироҳат боғида «Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар уюшган ҳолда дам олиш ва мулоқотда бўлиш жамоат маркази»нинг ташкил этилганлиги, ҳимойлар томонидан улар учун ҳафтада икки марта нонушта ва тушлик ташкил этилиши қарияларнинг дилидаги иш бўлди.

Яқинда туманда ногиронлар аравачасини ясаш устанонаси ўз фаолиятини бош-

лади. Ижтимоий-таъминот бўлими қошида очилган ушбу цехда ҳозирга қадар бир неча ана шундай аравачалар, ҳасса ва қўлтиқтаёқлар ясалди.

Махсулотларимизнинг афзаллиги унинг сифати ва арзонлиғида, — дейди уста Т. Ҳеёев. — Келгусида бу ишга ногиронларнинг ўзларини ҳам жалб қилмоқчимиз. Токи, улар ўзларининг жамиятга керакликларини доимо ҳис қилиб яшасинлар.

Дарҳақиқат, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат қарор топган жойда одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончлари тобора ортаверади.



«Болажон»нинг болажон опалари

Янгиқўрғондагина эмас, Наманган вилоятида ҳам дув-дув гап. Халқаро Болажон жағмармаси — ЮНИСЕФ, вилоят «Болажон» жағмармаси ташаббуси билан туманининг Новқат қишлоғида «Болажон» ўқув ишлаб-чиқариш марказини ташкил этибди. 60 нафардан зиёд уй бекалари иш билан таъминланибди. Аёллар аввал турли касб йўналиши бўйича ўқитилиб, сўнгра ишлаб чиқариш цехларида ўз фаолиятларини давом эттиришар экан.

Новқатга борганимизда эса бу «миш-миш» эмас, ҳақиқат эканилигига иймон келтирдик. Марказ асосан кам таъминланган оилалар ва ногирон фарзанди бор аёлларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг қошида болажон бөгчаси ҳам ишлаб турибди. Аёллар тикувчилик, қандолатчилик, гилам тўқиш ва макарон ишлаб чиқариш цехларида фаолият кўрсатадилар. Қуни кеча «уй бекаси» бўлиб ўтирган аёллар бугунги кунга келиб яратувчига айланиб

қолишди. Улар тикаётган юмшоқ ўйинчоқлар эса болажонларга манзур бўлаётди. Марказдаги меҳнат шароити ҳам кишини қувонтиради.

«Болажон» марказининг ташкил этилиши аҳолининг учун айна мuddа бўлди, — дейди туман ҳокими И. Мамажонов. — Аввало, янги иш ўринлари яратилди, цехда тайёрланаётган юмшоқ ўйинчоқлар тумандаги болажон бөгчалари томонидан севиб харид қилинаётди. Ишлаб чиқарилаётган бошқа маҳсулотлар ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

«Болажон»нинг болажон опалари билан суҳбатлашиб, уларнинг олтин қўллари яратётган ўйинчоқлари гиламлар, турфа кийим-кечакларни, ширин-шакар қандолат маҳсулотларини қуриб, уларнинг кечаги «уй бекаси» эканилигига ишонгинг келмайди. Опаларнинг юз-кўзларида яратувчанлик ишқи билан яшаётганликларидан мамнунлик ҳисси ҳукмрон.



СУРАТЛАРДА: «Болажон»нинг болажон опалари.

Далил ва рақамларда

• Вилоятда аср билан юзлашган табарруқ қариялар эҳзода. 454 нафар юз ёшдан ошган отахон ва онахонлар алоҳида меҳр-мурувват тадбирлари билан қўриқиб олинган.

• 2004-2005 ўқув йили давомида умумтаълим мактаблари ўқувчилари, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш мақсадида мактаб кутубхоналари 291,5 миллион сўмлик адабиётлар билан тўдирилди.

• «Уйжойжағмарбанк»нинг вилоят филиали «Меҳрибонлик уйи»нинг 240 нафар тарбияланувчиси номга очилган «Болажон» омонатидаги жағмарларини йил охиригача 5,4 миллион сўмга етказиши режалаштирган.

• Вилоят шаҳар ва туманлари ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турган ёлғиз пенсионерлардан 32 нафарининг уйи мукаммал таъмирлаб берилди.

• Жозони ижро этиш муассасаларидан қайтган шахсларни ижтимоий кўнатириш марказлари фаолияти қучайтирилмоқда. Утган ойлар ичида шу тоифадаги шахслардан 314 нафари ишга жойлаштирилди, 367 нафарига 11,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Бировнинг ҳақи

Одамлар бор, бири Ҳаж зиёрати илинжида тўплаган сармоясига кўприк қуриб, олисини яқин айлаган, яна бири вафот этган ҳалосияи норасидалари бошини силаб, ўз паноҳига олган, бошқа бирови эса етим-есирлар тарбия толаётган масканга қўш-қўш гилам эҳсон қилса-да, қимлигини ошкор этишни истамган. Бундайлар қалбини бутун оламни қарогон этишига бел боғлаган қўшга қиёсланиб келади.

Афсуски, орамизда айрим юраги тош қимсалар ҳам юрибдики, муҳтожнинг нонига шерикликни-да ор билмас.

Наманганда бир маскан бор, номини «Нуронийлар саховат уйи» дейишади. Унинг жамоаси кексайган чоғида яқка-ёлғиз қолиб, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган қарияларга меҳр-оқибат кўрсатишга сафарбар этилган. Бир қарашда уларнинг бари савоб ишлар учун борини бергудай. Лекин дастлабки тасаввур алдамчи, деганлари баъзан рост чиқиб қолар экан.

Саховат уйи тасарруфи тўлалигига давлат зиммасида. Табиғики, бунда истиқомат қилаётган отахон-она-

ҳисоб рақамига 281 минг сўм пул кўчириб берадиган, хусусий тадбиркор унинг 80 фоизини нақдани сифатида қайтаридиган бўлди. Операция амалга ошди. Ш. Имомов ҳужжатларни расмий-

Ажабо!

лаштириш чоғида бозордан 40900 сўмлик майда-чўидаларни олиб келди-да, бош хамшира Фотима Тошбоевага топширди. Хусусий тадбиркор томонидан берилган юк хатининг аввалига ўша товарларнинг тиркади, давомини эса номи бору, ўзи йўқ ҳар хил турдаги 240 минг сўмлик буюмлар билан тўлдирди. Товари эс операциядан қўрилган фойда 240 минг сўм пул ҳамтоволар ўртасида арра. 183 минг сўми бош ҳисобчи, 57 минг сўми хусусий тадбиркорни-кига айланади.

Ижтимоий кўмак, шафқат ва ҳимояга муҳтож киши-

ларнинг ҳақи буюрармиди. Икхонлоннинг югургани сомонхонагача бўлди. Уларнинг хурмача қилигидан хабар топган прокуратура ходимлари саховат уйидаги қингир ишга вақтида нукта қўйишди.

Меҳрини қаҳрга алмаштирганлар орасида қаровчиси йўқ, ёлғиз қарияларга бириктириб қўйилган ижтимоий ҳодимлар борлиғига нима дейсиз?! Наманган шаҳрининг Давлатобод даҳасида фаолият кўрсатган Комила Умрзоқованинг қингир ишлари бунга мисол. Ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга доимий ёрдам кўрсатишга жалб этилганидан фойдаланиб, улар ишончини суиистеъмол қилиб келган бу аёл жиноят қилишгача бориб етди. Унинг вазифаси кексалар ҳолидан хабар олиб, озиқ-овқатини тайёрлаб бериш, уларни парваришладан иборат эди. Бирок, у бурчинини унутди. Ақсинча қария-

лар бисотиға кўз тикди, қандай қилиб бўлмасин улар мол-мулкига эга бўлиш йўлини излади. Ниҳоят, Н.Мартинова, Н.Ширяева, Е.Миняева, А.Поли-венюк сингари ёлғизлар уйда тез-тез бўлишдан фойдаланиб, уларни алдашга ўтди. Қиска фурсатда уларнинг 4 миллион 207 минг сўмлик мол-мулкни фарибгарлик, товламачилик йўли билан ўзиникига айлантирди. Ҳатто, А. Поли-венюк ва Н. Таббаева-ларни озиқ-овқат, сув бермасдан қийнашгача бориб етди. Турган гапки, «Шафқат хамширасининг тубан ишлари ҳам қонун побосини қўлдан тегилши ҳабсо-га лойик бўлди.

Бундай воқеаларни эшитиб, қўнғил хижил тортади. Хайриятки, ушбу воқеа «қадрамон»лари ҳаётда қадра-жуда ҳам учрайди. Бирок, виждонсизликнинг катта-кичиги бўлмайди. Шундайларга инсоф бериб занг босган юракларига эз-гулик макон қурсин.

Барака топшисин

Ёшим 88 да. Умр бўйи Учин тумани-нинг турли ташкилотларида меҳнат қилдим, пахта тердим, ер чопдим. Нимагаки эришан бўлсам меҳнатим, бил-лак кучим билан эришдим.

Ил бошида уйимга бир ил-гит кириб келди ва ўзини туман молия бўлими бошлиғиман, деб таништирди. «Ача, энди сиздан ўзим хабардор бўлиб тураман, нима қамчилигиниз бўлса ўзин-гиздай кўриб менга айтаверинг», деса бўл-ди? Очиги, ошкора хўнраб йилгаб юбор-дим. Шу-шу бўлди-ю, дегил ҳар ҳафтада ўша илгит ҳолидан хабар олиб, бозор-учаримни қилиб берадиган бўлди. Узи ке-

ломмаган пайтлар бозор қилиб бериб юбор-ди, ҳудди ўз ўқимайди кун-қунора қўнғироқ қилиб туради. «Ижтимоий-таъминот» дан келадиган Ҳафизахоннинг хушфеллигини айтмайсизми. Атрофимга барча яхши одам-лар йилгилиб қолган эди.

«Меҳр-мурувват йили» деб айтган Юртбошимизга раҳмат. Яқинда Ераткой қишлоғида яшовчи Ҳусниддин исми бир но-гирон илгитини уйини таъмирлаб, тўйини ўтказиб беришганини эшитиб роса қувон-дим. Мунгли одамнинг кўнглини олиш қони савоб. Барака топшисин.

Шарофат мома ЭРҒАШЕВА.

Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбирлари М. ХОЛМАТОВА, Қ. НАЖМИДИНОВ, Т. ҲАМРОҚУЛОВ (суратлар) сафар қилдилар.

Боқий қадрият

Ҳозирги замон, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этиш баробарида кўп асрлик тарихимиз, бой маданиятимизнинг илгор аъёнларидан сабоқ олиши, улуғ аждодларимиз яратган маънавий меросни чуқур ўрганиши тақозо этади. Президент Ислоҳ Қаримов таъбири билан айтганда, ўз тарихи ва аждодларини унутмаган, уларга ҳар томонлама муносиб вори бўлишга интилган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади. Халқимиз хотирасида мангу яшайдиган номлар жуда кўп. Бугун жаҳонга машҳур бўлган Бегун, Ал-Хоразми, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ал-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улугбек, Навоий... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Жумладан, улар сирасига Маҳмуд Аз-Замахшарийни киритиш ҳар жиҳатдан тўғри ва адолатли шидир.

Маънавий мерос қудрати

Азмибой Садуллаев, университет ректори, академик: — Ҳозирги замон, ҳаёт олдимизга қўяётган муаммоларни ҳал этиш баробарида кўп асрлик тарихимиз, бой маданиятимизнинг илгор аъёнларидан сабоқ олиши, улуғ аждодларимиз яратган маънавий меросни чуқур ўрганиши тақозо этади. Президент Ислоҳ Қаримов таъбири билан айтганда, ўз тарихи ва аждодларини унутмаган, уларга ҳар томонлама муносиб вори бўлишга интилган халқнинг келажаги, албатта, порлоқ бўлади. Халқимиз хотирасида мангу яшайдиган номлар жуда кўп. Бугун жаҳонга машҳур бўлган Бегун, Ал-Хоразми, Ибн Сино, Имом Бухорий, Ал-Термизий, Аҳмад Яссавий, Улугбек, Навоий... Бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Жумладан, улар сирасига Маҳмуд Аз-Замахшарийни киритиш ҳар жиҳатдан тўғри ва адолатли шидир.

Абдулла Аҳмедов, доцент: — Асарлари жаҳон миқёсидда ўрганилиб, тадқиқ қилиниб келинаётган буюк олим Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Аз-Замахшарий хижрий 467 йил, ражаб ойининг 27сида, чоршанба кунини (мелодий 1075 йилнинг 19 мартини) қадимги Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. Замахшар воҳанинг энг қадимги қалъаларидан бири бўлган.

Мухбир: — Аллома ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асосий маълумотлар қайси манбаларда кўпроқ берилган?

Ашраф Аҳмедов, профессор: — Аз-Замахшарий ҳақидаги тарихий маълумотларни ўрта асрга оид араб манбаларидан, баъзи биографик маълумотларни эса олимнинг ўз асарларидан олиш мумкин. Унинг ўзи кўчирган «Ал-Кашшоф» асари кўлэмаси Техрон шаҳридаги кўлэмалар хазинасида сақланмоқда.

Махшур араб олимлари — Ибн Холликон, Ибн ал-Анбарий, Ғўт ал-Ҳамавий, Ибн ал-Жавзий, Ибн ал-Кифтий, Жалилдин Ас-Суютий келтирган маълумотларга қараганда, Маҳмуд Замахшарий ўртаҳол оилада туғилиб, тақводор ота-она тарбиясини олган.

Мухбир: — Одатда буюк олимлар ва адиблар ўзидан олдин ўтган буюк шахслар таъсирида камол топади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Маҳмуд Замахшарийнинг илмий ва адабий меросининг таъсири ундан

кейин яшаган олим ёки шоирлар ижодида акс этиши табиий...

Сафарбой Рўзимбоев, профессор: — Фан ва бадиий адабиёт тарихида, ижодий баркамоллигини авлодлардан авлодларга ўтадиган ибратли аъёнларимиз, хусусан, устозларимиз тасаввур этиш қийин. Шу жиҳатдан олганда, мен икки буюк шахсни қиёс қилгим келади. Уларнинг биринчиси Маҳмуд Замахшарий бўлса, иккинчиси Алишер Навоийдир. Навоий ҳам ўзидан олдин ўтган буюк адиб ва шоирлар ижодидан руҳланган, уларга эргашиб ажойиб асарларни яратган. Хусусан, Замахшарийни жуда яхши билган. Уни ўз «Ҳамса»сида тилга олади:

Арабияда дарс анинг вирди, Ибни Ҳожиб камина шогирди. Ибни Ҳожиб деймики, Жоруллох, Онингча тафсири ишинда йўқ огох.

Икки буюк шахс ижодидати ҳамоханлик бир қанча жиҳатлари ўз ичига олади. Уларнинг биринчиси, адабиётшунослик ва тилшунослик бўйича яратилган асарларидир. Замахшарийнинг «Ал-қустос ал-мустанқийм фи ильм ил-аруз» — «Аруз илмида аниқ мезон» ва «Мақомат» асарлари бўлиб, улар «Мақомат-аруз» — «Аруз қоидалари ва шуларга оид ил-

ҳотлар», «Мақомат ул-қавофий» — «Қофия қоидалари, турлари ва шуларга оид илҳотлар»ни ўз ичига олади. Демак, Аз-Замахшарий адабиёт назарияси, хусусан аруз илми устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган. Олимнинг бу ишлари Алишер Навоийнинг машҳур «Меъъон ул-авзон» асарини ёзишига туртки бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Мухбир: — Шу ўринда яна бир масалага ойдинлик киритсак. Маҳмуд Замахшарий ижодида тилшунослик

устуни ёки адабиётшунослик, деган турли фикр-мулоҳазалар бор...

Рўзимбой Йўлдошев, доцент: — Базилар Замахшарийнинг фаолиятига атрофича баҳо бермасдан, уни фақат «тилшунос олим», деб атайдилар. Тўғри, Замахшарий туркий, араб, форс, тожик, мўғул тилларни муқаммал билган шахс. Бундай хусусият таталоқимиз ал-Бегунийда ҳам мавжуд эди. Тил билган эл билди, дея беҳиз айтилган. Биринчидан, кўп тилни билганлиги Замахшарийга қомусий, етук олим бўлиб етишишда ёрдам берган бўлса, иккинчидан, бунини ўша давр аъёнлари билан боғлаб изоҳлаш тўғри бўларди. Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини қамраб олган бўлиб, уларнинг сони, баъзи манбаларга кўра 75, айрим маълумотларда эса 50 дан зиёдлиги айтилади. Олимнинг ижодида диний илмлар ва луғатшунослик, грамматика (навх), аруз, адабиёт, мантук, ҳуқуқшунослик соҳалари асосий ўрин эгаллайди. Ана шу соҳага оид асарларидан унинг фалсафий қарашлари акс этганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Ашраф Аҳмедов: — Маҳмуд Замахшарий ислом динининг турли долзарб масалалари ва араб тили грамматикасига бағишланган оламшумул асарларини Макка ҳамда Бағдод шаҳарларида яратган. Унинг илмий иқтидори ва истеъдодига тан бер-

ган араблар: «Агар ўша хоразмлик туркий бўлмаганида, араблар ўз тилларини билмаган бўлардилар», деб лутф қилганлар.

Аз-Замахшарий қолдирган бой илмий меросни ироқлик машҳур олим доктор Фозил Солиҳ ас-Самарий маълумотига қараганда, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: диний илмлар, ислом уламолари ва фикҳ (ислом қонуншунослиги)га оид асарлар; луғатшунослик; араб тили грамматикаси (сарф ва навх); аруз ва адабиёт назарияси; бадиий адабиёт соҳасида (шеърый девонлар ва насрий асарлар); мантук ва фалсафага оид асарлар; жуғрофия ва этнографияга оид асарлар.

Мухбир: — Олимнинг «Муқаддимат — ул адаб» асари ҳақида улуғ адиб Садриддин Айний: — «Бу асар тил илми чун бугун дунёнинг хазинаси билан баробардир», деган экан.

Рўзимбой Йўлдошев: — Буюк олимнинг 1137 йилда ёзган «Муқаддимат — ул адаб» асаридаги лексик бирикликлар ҳозирги Хоразм шевалари лексикасига тўла мос келади. Асарнинг Замахшарий ўз қўли билан ёзган нодир нусхаси Техрон Миллий кутубхонасида сақланаяпти. Асарни ёзиш учун олим катта тайёрлик қилган. Кўпчилик мамлакатларда сафарда бўлган чоғида араб тили, унинг луғатлари, лажалари бўйича бой материаллар тўплаган. Асарда ўша даврда араб тилининг кенг истеъмолда бўлган барча сўзлари, иборалари ва уларнинг этимологиясини беришга ҳаракат қилган.

Сўзлар мазму гуруҳларига ажратилган ҳолда, алифбо тарзида жойлаштирилган. Уни фақат лексикографик асар, деб бўлмайди. Сабаби, унда араб тилининг грамматик қурилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Асар форс, мўғул, туркий тилларга таржима қилинган. Унинг туркий таржимасини муаллифининг ўзи амалга оширганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Бу эса Замахшарийнинг туркий тилини муқаммал билганлигидан далолат беради.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Назм
Асра
Жондан азиз диёримни,
Эру дуст, қўлда торимни,
Садоқат, иймон, оримни
Эмон кўздан Узинг асра.
Асра тенг давлатимни,
Мангуберди савлатимни,
Алломишдек келбатимни
Эмон кўздан Узинг асра.
Тенгсиз шаффоф булоғимни,
Қир-адирда туёғимни,
Яшнаб турган ўтлоғимни
Эмон кўздан Узинг асра.
Баланд виқорли тоғимни,
Меъаси асал боғимни,
Не булбул, ҳапато зогимни
Эмон кўздан Узинг асра.
Ака-ука қўлдошимни,
Инонганим йўлдошимни,
Беминнат топган ошимни
Эмон кўздан Узинг асра.
Мангулик истиқлолимни,
Келажак истиқболимни,
Узбек тилимни — болимни
Эмон кўздан Узинг асра.
Изладим
Тўли ойдек тунлари ғориб,
Йўларимдан адашиб ҳориб,
Кўз ёшим-ла кўксим сугориб,
Қошлари ҳилоли изладим.
Сахар чоғи гулзор ораб,
Турфа гуллар териб, сираб,
Ёр боғиға аста мўралаб,
Тонглари висоли изладим.
Ишқ-муҳаббатга бўлиб гулом,
Тўлиб-тошиб қалбимда илҳом,
Бубудайин қуйлабон мўдом,
Ул соҳибжамоли изладим.
Шамол каби тоғлардан ошиб,
Дарёдайин қирғоқдан тошиб,
Тоғи секин, ғоҳида шошиб,
Кўзлари зилоли изладим.
Нолмайин тақдир азалдан,
Кечиб неча-неча гўзалдан,
Ҳайратлиб қўйдан, газалдан,
Ул қадди ниҳоли изладим.
Ёр соғинчи дилим айлаб банд,
Хаста кўнглим эзганда ҳарчанд,
Умид дарзин этгани пайванд,
Ул моҳи қулоли изладим.
Чиройда камоли изладим...
Абдулла ШОНОСИР.

UZDUNROBITA first cellular
Интернет сервис АБОНЕНТНИНГ ШАХСИЙ КАБИНЕТИ
Баланс
Тўловлар
Сўзлашувлар
Хизматлар
SMS
МАЪЛУМОТ ОЛИШНИНГ ДОИМИЙ ИМКОНИАТИ ТЕЗ ВА КОНФИДЕНЦИАЛ
ТАРИФ: ОЙИГА \$3.0 (+\$1.0 БИРИНЧИ МАРТА РЕГИСТРАЦИЯ УЧУН)
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Хизматлар лицензиялаштирилган

«ЎЗБЕКИСТОН»
ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ
сизларни Кисловодск, Ялта шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сираттоҳларида ва «Қибрай» санаторийсида ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишингизни таклиф қилади.
Хизматли хонимлар ва жаноблар!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

УДОВОЛЬСТВИЕ
FUJITSU SIEMENS
We make sure
Официальный поставщик — компания "Nuron Savdo". Прямые поставки из Германии.
За наличный, безналичный расчет и в кредит. Гарантия — до 3 лет. Для размещения заказа звоните по тел. (998-71) 194-57-01, e-mail: info@nuron.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш музейининг директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Тамара АРИТОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихор этади.
Меҳнат, иш билан таъминланган ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази жамоаси иқтисод фанлари доктори, профессор Марат Турсунхўжаевга акаси Тўхтақўжа ТУРСУНХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.
Урта махсус, касб-хунар таълими маркази «Метрология ва касбий тайёрлик» бошқармаси жамоаси бошқарманинг масъул ходими Зафар МИРЗАБОВЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихор этади.
Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси «Саҳноат ва фуқаро қурилиш» факультетининг собиқ декани ва кафедра муdiri, техника фанлари доктори, профессор Хусниддин НУРЕТДИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси 1-Болалар жарроҳлиги кафедраси профессори Жуманазар Бекназаровга турмуш уртоғи УЛДАН ОПАННИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.
Акмал Икромов тумани Давлат солиқ инспекцияси бошчилигининг муовини Жалолдин ТУХТАМУРДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихор қилади.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Уғбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма F—869, 22202 нускада босилган, ҳажми — 2 табоқ, Объем узунда босилган.
Котиз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерда терилган ва операторлар Жамалд Тоғиев ва Баҳовир Файез томонидан сақланган.
Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан ийд материаллар қабул қилинмайди.
П—Тикрат материал
● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Набатчи — З. Ашурова.
Муасхих — М. Ёқубова.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ яқини — 21.00
Тошхирлиди — 21.30 1 2 3 4 5